



Ўзбек давлатчилиги тараккиётида мамлакатимизнинг ҳар бир воҳаю водийсининг хиссаси бўлиб келганини биз бир неча бор кўрдик. Шу маънода давлатчилигимиз ибтидоси қарор топган кўхна Хоразмда XI— XIII аср бошларида кечган сиёсий жараён ва унинг тамом минтақага таъсири катта кизиқиш уйғотади. Биз куйида шу ердан чиққан, кўпроқ хоразмшоҳлар номила машҳур сулола фаолияти ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Хоразмшоҳ дейилганда, аслида, Хоразм воҳасида ҳукмронлик қилган сулола вакили тушунилади, яъни Хоразм ҳукмдори (шоҳи) маъносини англатади. Узок асрлар давомида бу вилоятда бир қатор сулолалар хоразмшоҳлар унвони остида фаолият кўрсатганликларини биламиз. Масалан, IV—X асрларда афригийлар хонадони, 995—1017 йилларда маъмунийлар (Маъмун I, Абулҳасан Али, Маъмун II), 1017—1041 йилларда эса олтунтошийлар (Олтунтош, Хорун, Хандон) сулолалари хоразмшоҳлар унвони билан бошқарув курсисида ўгирганлар. Аммо Хоразм доирасидан ташқарига чиқиб, мамлакат, минтақа микёсида от суриб ва бу билан ҳам чекланмасдан бошқарувнинг салтанат даражасига эришган сулола бу ануштегинийлардир (1097—1231). Сўз ҳам айнан ануштегинийлар ҳақида боради.

Ануштегинийлар сулоласининг бошловчиси Ануштегин (вафоти 1097 йил) ҳисобланади. XI асрнинг иккинчи ярмида салжукийларнинг омади чопган вақтлар эди. Ануштегин салжукий ҳукмдор Султан Маликшоҳнинг мансабдорларидан бўлиб, ўзининг намунали хизмати эвазига юксак мартаба ва ҳукмдорнинг яқин аёнларидан бири даражасига кўгарилади. Тахминан 1077 йили у Хоразм шихналиги (комендант маъносида) вазифасига тайинланади. 1097 йили эса ўгли Қутбиддин Мухаммад Хоразм волийси, яъни ҳокими мавқеига эришади. Унинг ҳокимлиги фақат Хоразм доирасида бўлгани табиий. Қутбиддин Мухаммад салжукийлар даргоҳига қарам эди. Ҳар йили ўзи ё ўгли Отсиз орқали марказга вилоятдан ундирилган солиқни олиб бориб турарди. Худди мана шу Отсиз (тўлик исми Малик Абу Музаффар Алоиддин Жалолиддин Отсиз) отасидан кейин (1128 йили) салжукий Санжар ҳукми билан Хоразм волийлигига тайинланади. Бу вақтда у ҳали 30 га ҳам қирмагани. Отсиз ҳам аввалига отаси қаби салжукийлар хонадонига сидқидилдан хизмат қилади. Аммо сиёсатда бўлганидек, ўз мавқеи мустаҳкамланиб ва, аксинча, рақобатчилари заифлаша борганини сезган ҳолда салжукийларга қарамликдан бош торта бошлайди. Гарчи фаолиятининг сўнги 20 йили давомида у мутлақ мустақилликка эришиш ва бу билан ҳам чегараланмай ўз ҳукмини

Сирдарёнинг куйи окимларидаги ерлар ва Хуросонга ҳам ўтказишга интилган бўлса-да, аммо мохият эътибори билан айтадиган бўлсак, унинг замонида Хоразм вилояти тўла эркинликни кўлга кирита олмади. Агар Отсиз замонаси сиёсий манзарасига назар ташлагудек бўлсак, бу вазифани хал этиш хакикатан ҳам кийин эканлигини сезамиз. Аввало, нима бўлганда ҳам Султон Санжар гоятда катга кудратга эга эди. Бунга Отсизнинг ўзи ҳам бир неча бор икром бўлган. Иккинчи томондан, шу асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошида Туркистон сиёсий майдонига чиккан янги куч — корахитойлар ҳам ниҳоятда кувватга тўлиб турган эдилар. Бекорга Отсиз уларга йилига 30 минг олтин динор тўлаб туришни бўйнига олмаган, албатта. Аммо шу билан бирга Отсиз фаолияти ўз сулоласининг кейинги ўн йилликларда Туркистон ва ундан ташқарида ҳам амалга оширган ҳаракатларининг асосини яратишда бекиёс бўлди. Яъни Отсиз ануштегинийлар хонадони нафакат бир вилоят, балки улкан минтақада ҳам сиёсат юргизиш, донгдор сиёсий кучлар билан рақобатлаша олишга кодир эканлигини амалда кўрсатганди. Отсиз ва Султон Санжар кетма-кет (1156 ва 1157 йиллари) охиратга сафар қилганлар. Отсизнинг сиёсатини ўгли Эл Арслон (1156— 1172) давом эттиради. Очигини айтиш керак, бу вақтга келиб минтақадаги вазият ҳам анча «бўшашганди». Бу, энг аввало, Султон Санжарнинг ўлиmidан кейин салжукийлар хонадонидан унинг ўрнини боса оладиган етук сиёсатчининг чикмаганлигидан, десак тўғри бўлади. Гапнинг қисқаси, Султон Санжардан сўнг шарқий салжукийлар сиёсий бирлиги инкирозга учраган эди. Бундай шароитда Эл Арслон учун Хоразмда мустақил сиёсат юргизишга эришиш мушкул эмасди. У факат бу билан чегараланибгина қолмай минтақа бўйлаб ҳам фаол ҳаракат қила бошлайди. Чунончи, у 1158 йили Мовароуннахрда корахитойлар билан тўқнашиб, қўли баланд келган ҳолда улар билан сулҳ тузади. 1167 йили эса Нишопурни эгаллайди ва Озарбайжонга ҳарбий юриш уюштиради. Аммо Эл Арслонга ҳам марказида Хоразм бўлган, барча томонидан тан олинган кудратли сиёсий ҳокимиятга асос солиш насиб этмаган.

Хоразмшоҳларнинг забардаст сиёсий куч сифатида рўёбга чиқа олмаганликларининг бош сабабларидан бири бу ички низоларга барҳам бера олмаганликларидир. Чунончи, Эл Арслондан сўнг унинг ўғиллари Аловиддин Тақаш ва Султоншоҳ Маҳмуд ўртасида 20 йилдан ортиқ вақт давомида тахт учун кураш кетади. Хар иккови ҳам гоҳ корахитойларга, гоҳ Хиротдан Шимолий Хиндистонгача бўлган ҳудудца ҳукмронлик қилиб турган гурийлар сулоласига, гоҳ эса Хуросон амирларига суянган ҳолда ўзаро кураш олиб борганлар. Бирок бундан бирон-бир наф чикмади, на сулола, на Хоразм юксалди. Факат Султоншоҳ вафотидан сўнггина (1193 йил) Тақаш яққа ҳукмдор сифатида кенг қамровли сиёсат юргизиш имконига эга бўлди. 1194 йили у Гарбий Эроннинг аксар қисмини бўйсундирди, кейин Кермонда ҳам унинг номига хутба ўқилади. Ҳукмронлиги сўнггида у хатто Бағдодни — халифалик пойтахтини забт этишга ҳам шайланади. Аммо юриш чоғида, 1200 йилнинг ёзида, йўлда вафот этади. Ундан қолган мерос — Туркистон ва Эронни ўз ичига олган салтанат курсисига Аловиддин Мухаммад (1200—1221) чиқади. 1210 ва 1212 йилларда икки уринишда у корахитойлар масаласини бутунлай хал қилади. Бу воқеа унинг обрў-эътиборини ниҳоятда ошириб юборади. Иккинчи Искандар, иккинчи Султон Санжар лақаблари билан машҳур бўлган Султон Қутбиддин Мухаммад саъй-ҳаракатлари туфайли 1217 йилга келиб Озарбайжон, Эрон, Хуросондан Хиндистонгача бўлган ерлар хоразмшоҳпар измига тушган-ди. Шу йил охирида у ҳам Бағдодни эгаллаш ҳаракатига тушади, аммо об-хаво оғир қилиб, мўлжал

амалга ошмай колади. Султон Мухаммаднинг асосий мақсади Сурия, Кичик Осиё ва Мисрни ҳам бўйсундириш эди. Хуллас, Чингизхон (1206—1227) босқини арафасида хоразмшоҳлар сулоласи дунёнинг энг қудратли сиёсий қучларидан бирига айланганди. Орол денгизидан Хинд океанигача, Ирокдан Шарқий Туркистонгача бўлган улкан ҳудуд тақдири Хоразмда ҳал бўларди.

Худди шу даврда шарқда бошқа бир ҳарбий-сиёсий қуч қудратга тўлиб бораётганди. Албатта, биз бу ерда Чингизхон асос солган ҳарбий-сиёсий қўчманчи уюшмани назарда тутаямиз. XIII аср ўнинчи йиллари охирида Шарқда икки йирик қуч — хоразмшоҳлар ва чингизийлар ҳукмронлиги шароитида уларнинг ўзаро тўқнашишлари табиий ҳол эди. Катор манбалар, илмий адабиётларда чингизийларнинг Мовароуннаҳрга юришлари сабабини турлича изоҳлашга ҳаракат қилинади-ю, аммо оддий бир ҳақиқатга қўп ҳам эътибор берилмайди. Хоразмшоҳлар ҳам, чингизийлар ҳам сиёсий қуч сифатида шундай бир қувватга эга эдиларки, ёнма-ён турган бир шароитда уларнинг ўзаро тўқнаш қелмасликлари мумкин эмасди (худди, масалан, македониялик Александр ва ахамонийлар, Амир Темур ва Боязид ўртасидаги рақобат каби). Бахона эса доимо топилади. Хох у томондан, хох бу томондан. Одатда, Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга лашкар тортишига сабаб қилиб 1218 йилги Ўтрор воқеаси кўрсатилади, яъни Чингизхон элчилик-савдо қарвонининг Ўтрорда қатл этилиши Чингизхон қазабини кўзгаган, қабилдаги фикрлар олға сурилади.

Ваҳоланки, икки томон ўртасида уруш қилиши муқаррарлиги ҳам Султон Мухаммадга, ҳам Чингизхонга бошданок аён эди. Бу борада ташаббус қўпроқ Чингизхонда бўлган. 1218 йили хоразмшоҳга юборган номасида у Султон Мухаммадга ўғлим, деб мурожаат қилади. Дипломатия тилида бу «қаролим» деган билан баробар бўлиб, аслида бу жангга ундаш эди. Ҳозирча бизга номаълум қандайдир сабабларга қўра Султон Мухаммад бундай қилмайди. Ўтрордаги воқеага қелсак, элчилар ва савдоқарларнинг ўлдирилиши ҳам айб сифатида Султон Мухаммадга қўйиб қелинади. Ваҳоланки, бизнинг назаримизда, унинг бундан бошқа иложи йўқ эди. Бу қарвон қатлиғи элчилик ва савдо қарвони бўлмай, балки ундаги 100 кишига ўлкадаги турли ерларда савдо билан шугулланиш учун Чингизхон кўрсатмаси билан маблағ ажратилган эди. Бошқача айтганда, мазкур қишилар жосуслик фаолияти билан шугулланишлари мўлжал қилинган. Умуман олганда, Чингизхон бўлажак жанг майдони бўлмиш ўлкани жуда яхши ўрганганди. Буни Султон Мухаммад яхши биларди ва унга чек қўйиш зарурлигини ҳам англади. Биз ҳатто шундай қарвон қилишимиз мумкинки, Ўтрордаги тўқилган қон Чингизхон томонидан аввалдан пишитилган режа асосида амалга оширилган. Чунки мазкур воқеа тарихий баённинг бир чўпчакнамо томони бор. Яъни қарвоннинг барча қишилари қириб ташланган-у, қатл бир қиши омон қолиб, бу ҳақдаги хабарни Чингизхонга етказган. Ваҳоланки, шундай қатта шаҳар Ўтрорда бир неча юз одам қатл этилиши, нима бўлганда ҳам, бекитикча қолмасди. Ўз ўрнида Султон Мухаммад ҳам қатор қатоларга йўл қўйган. Чунончи, душман билан бўладиган жангларда қандай тактикадан фойдаланиш масаласида у саботсизлик ва қалтабинлик қилди. Ваҳоланки, ҳарбий қенгашда бир қатор таклифлар ўртага ташланганди: барча ҳарбий қучни (600 минг қиши атрофида) бир ерга тўплаб, ҳарбий юришда толиқиб турган душманга Сирдарё бўйида ҳужум қилиш; қанимни Мовароуннаҳрга қиритиб, қулай вазиятда унга зарба бериш (Қалолиддин таклифи); тоғликларга чекинган қолда мўғуллар учун ноқулай қараларда жанг қилиш; Қазнага ва ҳатто Хиндистон томон чеқиниб ўша ерда жанг олиб бориш. Султон Мухаммад буларнинг

барчасини инкор килган холда бошка бир йўлни танлайди, яъни хар бир шахар ва калъа кучига суянган холда химояланишни маъкул топади. Бу эса харбий кучнинг аввал бошданок бир неча майда-майда кисмларга бўлиниб кетишига олиб келади. Натижада, 1220 йили Бухоро, Самарканд, 1221 йили Урганч, Термиз кўлдан кетади. Хўжанд хокими Темур Малик, Жалолиддин хоразмшоҳ мардликлари нечоглик юкори бўлишига карамай ташаббус кўлдан кетгани сабаб урушда ютказилади. Шу ерда биз бир масалага—маглубиятнинг бош сабабига диққатни жалб этмасдан коллолмаймиз. Чингизхон нечоглик кудратли кўшинга ва акп-заковатга эга бўлишидан катъи назар Султон Мухаммад имкониятлари ундан кам эмасди. Юкорида тилга олинган улкан худудни ўз кўл остида бирлаштиришга муваффақ бўлганлиги унинг имкониятлари ниҳоятда катта бўлганидан далолат беради. Шунга карамай маданий жихатдан коллок бўлган сиёсий кучга кураш бой берилди. Бунинг сабаби нимада? Фикримизча, Султон Мухаммад хукмронлиги даврида давлатчиликда ўзига хос икки хокимиятчиликнинг юзага келишида. Юкорида Низомул мулкнинг подшоҳлик ишига аёллар ва гўдакларни аралаштирмаслик кераклиги хакидаги фикрини келтириб ўтгандик. Султон Мухаммад замонида эса худди шу хол юзага келади. Унинг онаси Туркон хотун давлат ишларига тўғридан-тўғри аралаша бошлайди. У давлат бошқарувидаги энг мухим масала — давомийлик, яъни валиаҳдлик масаласига аралашиб ўзининг хукмини ўтказди. Валиаҳд килиб Султон Мухаммад мўлжаллаган Жалолиддин эмас, онаси талаб килган кенжатой Узлокшоҳ тайинланади. Кенжа ўғилнинг онаси эса ўз ўрнида Туркон хотун кавмидан бўлиб, Туркон хотун ўз кавмига доим ён босиб келарди. Туркон хотун аслида кипчок уругларвдан бирига мансуб бўлиб, ўз вақтида Такаш кипчокларни ўзига огдириш ниятида унга, кипчок хонининг кизига уйлан ганди. Вақти келиб Туркон хотун кўмагида кипчоклар хоразмшоҳлар салтанатида катга мавке касб этишларини у хаёлига келтирибди дейсизми. Хуллас, кўчманчи шароитдан чикиб, ўғрок ва юксак маданиятли мухитда бирданига юксак даражага эришган амирлар, харбий-лар иложи бориша ўз мавкеларини кандай бўлмасин мустахкамлаб боришга харакат килганлар. Коллокликдан бирданига, деярли хеч бир уринишсиз, Туркон хотун ёрдамида маданиятнинг ва у билан боглик барчанинг марказида бўлиб колиш, албатта, эгаллаган жойни саклашга ундайди. Лекин бу жараён хоразмшоҳлар ва, умуман, давлатчилик устунлари заифлашиши хисобига кечди. Султон Мухаммад ва ана шу тоифа амирлари ўртасидаги тафовут шунчалар бўлганки, вазиятдан ус-талиқ билан фойдаланган Чингизхон кўрсатмаси билан бир калбаки хат тузилган ва унда гўёки мазкур тоифа амирлари Чингизхонга мурожаат килиб, уни зорикиб кутаётганликларини ёзадилар. Бу хат жосуслар оркали таркатилиб, Султон Мухаммадга етиб боради ва унинг собитлигига катта зарба беради. Демак, давлат марказида кабилавий манфаатларни хамма нарсадан афзал билувчиларга ўрин бўлмаслиги керак экан, Бу борада Туркон хотун шунчалар паст бўлганки, Чингизхон тутқунлигида бўлиб турган бир вақтида унга кочиқ Жалолиддин олдига борайлик дейишганда, Ойчечакнинг ўғлига (Жалолиддинга) карам бўлгандан кўра Чингизхон кўлидаги асирлик ва бу ердаги камситишлар менга азизрокдир, деган экан. Гарчи Султон Мухаммад ўлими олдидан (1221 йили) ўгли Жалолиддинни валиаҳд килиб тайинласа-да, фурсат кўлдан кетганди. Шунга карамай давлат ва халқ олдида ўз масъулиятини хеч қачон унутмаган Жалолиддин душманга карши курашни тўхтатмайди. Тўғри, у Урганчни тарк этади ва Нисо, Кандахор атрофида, Чорикорда, Газна яқинида бўлган жангларда мўгулларга шундай зарбалар берадики, ўз енгилмасликларига ортикча бино кўйган мўгуллар ичини алам ва афсус доғ килади. Шунда Жалолиддинга

карши шахсан Чингизхоннинг ўзи отланади. Ушбу вазиятда давлатчилигимиз тарихида кўзга ташланиб келган бир нуксонимиз яна панд беради. Сўнгги жангда кўлга киритилган ўлжани таксимлашда келишмовчилик чикиб баъзи бир амирлар ўз кўшинлари билан Жалололиддинни тарк этадилар. Жалололидин уларга карата «бирга бўлайлик, умум душманга карши биргаликда курашайлик» дейишига карамай наф чикмайди. Энг ачинарлиси, мўгуллар ўша амирларни биттама-битта кириб ташлаганлар. Кучи киркилган Жалололидин эса Синд дарёси томон чекинади. Чингизхон уни тириклайин тутишни буюрган. Кўли паст келаётганини сезган Жалололидин бутун харамини дарёга чўктиришни буюради, яъни якинларининг душман кўлига тушишини хохламайди. Ўзи ҳам оти билан дарёга отилади ва эсон-омон нариги киргокка сузиб ўтиб олади. Бу манзарадан хайратга тушган Чингизхон: «Ўглинг бўлса, шундай бўлсин!», деган экан.

Жалололидиннинг кейинги фаолиятини кузатадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадики, у хоразмшоҳгар тахти вориси сифатида ўз хонадонига тегишли бўлган ерларда хукмронликни тиклашни максад килиб кўйган. Шунга кўра у аввал Шимолий Хиндистонда, сўнг Кермон, Шероз, Исфахон ва Озарбайжонда хоразмшоҳиар сиёсатини тиклайди. 1226 йили эса Тифлисни олади. Манбалардан бирида ёзилишича, Жалололидин олдинга грузинлар билан тинчлик йўли асосида келишишга харакат килган. Жумладан, уларга килган мурожаатида шундай дейилади: «Мен сизларнинг мамлакатингиз кудрати ва грузинлар шижоати хакида эшитганман. Эндиликда эса мен биргалашиб душманга карши курашайлик, дейман. Эшитишимча, хукмдорларинг аёл экан (бу ерда малика Русудана (1222—1245)). У менга турмушга чиксин ва мен сизларнинг хам хукмдорларинг бўлай ва биз биргаликда умум душманни мағлуб килгаймиз». Русудана бунга кўнмаган ва шундан кейин Жалололидин Тифлисни жанг килиб олган.

Бу вақтга келиб Жалололидин хоразмшоҳлар бошкариб келган салтанатнинг гарбий кисмида ўз хукмронлигини тиклашга муваффақ бўлгавди. Шу билан бирга шарқдан мўгуллар хавфи кучайиб келарди. 1227 йили Исфахон атрофида Жалололидин мўгулларга какшаткич зарба беради. Бу ўз ўрнида унинг мавкеи ва кудратини янада оширади. 1230 йили эса Жалололидин Кичик Осиёнинг жануби-шаркий кисмини забт этади. Бир сўз билан айтганда, мазкур йилларда Жалололидин шарқдан босиб келаётган мўгуллар билан бас келишга ягона куч ва, умуман, Гарб мамлакатларини улардан тўсиб турган калкон хисобланарди. Буни гарбий мусулмон давлатлари тан оладилар. Бу хакикат мўгулларга хам аён эди. Шунинг учун хам улар Жалололидинга мурожаат килиб, ўзаро сулх тузишни таклиф киладилар. Аммо, у бунга юрмайди, чунки ўз она-юртини хароб этган, халқини хўрлаганлар билан келишишга унинг миллий гурури йўл кўймасди. Гарчи Жалололидиннинг мўгулларга карши курашдаги калконлик ролини барча мусулмон давлатлари тан олсалар-да, амадда унинг атрофига бирлашишни истамасдилар. Бу эса ўз ўрнида мўгулларнинг гарбга караб силжишларига муносиб шароит яратиб берарди. 1231 йили Озарбайжонни забт этган мўгуллар яна Жалололидиннинг каршилигига учрайдилар. Аммо тасодиф туфайли 1231 йилнинг 17 ва 20 август оралигида Жалололидин бир курд томонидан Маёфорикин (Кичик Осиё) атрофида ўлдирилади. Жалололидин хакида кўп ёзиш мумкин ва керак хам. Унинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги улугвор ўрни табиий равишда юксакдир. Агар мўгуллар босқинининг дунё халқлари тарихида тутган ўрни инобатга олинса, Жалололидин кишилиқ тараккиётидаги энг буюк давлат арбоби ва йирик лашкарбошиларидан бири сифатида гавдаланиши керак. Жалололидиннинг халокати хакида унинг душманларидан бўлмиш Дамашк

хукмдори Малик ал-Ашраф Мусога хабар берганларида у шундай деган экан: «Сизлар мени унинг ўлими билан кутлаяп-сизларми? Аммо хали сизлар бунинг азобини кўрасиз-лар. Яратган номила касам ичиб айтаманки, унинг халокати тоторларнинг мусулмонлар ерига бостириб киришига (йўл очилди) демакдир. Энди биз ва яжуж — мажужлар (яъни мўгуллар — А. З.) ўртасида девор мисол туриб келган хоразмшоҳ (Жалолиддин) каби (лашкарбоши) йўк».

Ануштегинийлар замонида давлат бошқаруви қандай бўлган, саволи тугилиши табиий. Ануштегинийлар даври бошқарувида ҳам илгари кўриб ўтилган сулолалар бошқарувидан фаркли тизим бўлмаган. Зеро, бир томондан, сулолалар ўзгариши билан воқелик, яъни макон ва анъаналар ўша-ўшалигича қолаверган, иккинчи томондан, ануштегинийлар маълум муддат салжукийлар даргоҳи билан ниҳоятда яқин муносабатда бўлганликлари учун улардаги бошқарув тизими тажрибасини ўзлаштиришлари кийин бўлмаган. Демак, давлат бошқаруви икки тизимдан: даргоҳ ва девонлар мажмуидан иборат бўлган.

Даргоҳда хожиб, улуг хожиб тутган мавке хусусида биз олдинлари ҳам фикр юритгандик. Хожиблик хизмати хоразмшоҳлар даврида ҳам ўз аҳамиятини саклаб қолди. Улуг хожиб хукмдорнинг энг яқин кишиларидан бири ҳисобланган. Хожибларга гоётда муҳим вазифалар, масалан, махсус музокаралар олиб бориш ва, ҳатто, вазирлар фаолиятини тафтиш этиш қабилар топширилган. Шунингдек хожиб лавозимидаги амалдорга бутун бир вилоят ноиблиги топширилгани ҳам маълум. Даргоҳдаги барча хўжалик хизматлари фаолиятини бошқариш устоздорга юклатилган. Султон чакирганда биринчи хозир бўладиган шахс ҳам устоздор ҳисобланган. Олий фармон олган устоздор шунга кўра тегишли хизматларга буйруқ берган ва унинг гапини икки қилиш бўлмаган. У даргоҳнинг барча масалалари билан шугулланган ва бундан ташқари бош хазина маблағларидан ҳам истифода этган ҳолда нонвойхона, ошхона, отхона, сарой хизматчиларининг харажатларини қоплар эди. Шунингдек, у ушбу маблағдан маош бериш ва бошқа харажатлар учун ҳам фойдаланган. Нисовийнинг ёзишича, бунда устоздор улардан тилхат олган. Тилхатга вазир, муставфий, мушриф, нозирнинг муҳрлари босилган бўлиши керак эди. Аъёнлар харажатига кетган маблағ ҳақидаги тилхат ариз муҳри билан тасдиқланиши керак бўлган.

Амири охур мансаби ҳам масъулиятли ҳисобланиб, унча-мунча киши бу лавозимга тайинланмаган. Чунки унинг бўйнига султонга тегишли отлар парвариши юклатилган. Отларнинг сони эса 30 минггача бўлгани маълум. Подшоҳона овларни ўрнига қўйиш тадбирларини амири шикор уюштирган. Саройдаги муҳим хизматлардан яна бири бу таштдордир. Гарчи таштдор ювиниш анжомларини сакловчи маъносини берса-да, аммо аслида бу мансабни эгаллаган киши султоннинг энг яқин кишиларидан бирига айланган. Хукмдор унга ўзининг энг махфий фикрларини ҳам изҳор қилиши мумкин эди. Юқорида тилга олганимиз Ануштегин салжукий Султон Малик саройида худди мана шундай таштдор мавкеига эришганда, унга мазкур мансабга вилоятда мутаносиб келувчи шихналик, яъни Хоразм шихналиги лавозими берилди. Чунки таштдор хизмати билан боғлиқ барча харажатлар Хоразм вилоятидан тушадиган солиқлар билан қопланарди. Яна бир муҳим лавозим бу қиссадордир. У ҳафта давомида султонга тушган арзлар, шикоятларни йиғиб, жума куни кечаси хукмдорга топширарди. Кейин эса ҳар бир арзчи ё шикоятчига тегишли жавобини берарди. Бу мансабга ҳам ҳар ким тайинлана берилмасди. Зеро, хукмдор билан оддий халқ ўртасида алоқа боғлаб, раийаг аҳоли ва зоридан хабардор қилиб туриш савобли ишини ҳамма ҳам ҳалол бажара олмаслиги табиий.

Даргохда шунингдек чашнигир — султонга бериладиган овкат, ичимликларни текшириб кўрувчи, жомадор, султон-нинг котиби (даватдор), шаробдор, фаррош, байрокдор (амири алам), хос хизматкорлар бошлиги (малики хавас) каби хизмат ва вазифалар ҳам бўлгани маълум.

Ижроия ишларини девонлар (вазирликлар) олиб бориб, бу тизим теиасида вазир (бош вазир) турган. Вазир ҳам хукмдорнинг энг якин кишиларидан, биринчи маслахатчиси сифатида гавдаланади. Ўз фаолиятида у факат султон олдидагина жавобгар бўлган. Расмий тадбирлар, турли максаддаги музокараларда хукмдор номидан иш тутган. Унга барча амалдорлар, ноиблар, харбийлар бўйсунган. Ишдан олиш, ишга тайинлаш, маош, нафака тайинлаш, хазина ва солик тизимини назорат этиш, махаллий вазирлар хисоботини олиш каби катор вазифалар унинг ваколатида бўлган.

Девонларга келсак, уларнинг фаолияти салжукийлар замонасидаги тизимдан деярли фаркланмаган. Иншо ёки тугро девони расмий хужжатлар, ёзишмаларни тузиш билан шугулланган. Молия ишлари билан истифо девони, давлат назорати тадбирлари билан ишроф девони, харбий масалалар, чунончи, кўшинни курол-аслаха билан таъминлаш, кўшин қисмлари шахсий таркибини назорат қилиш, харбийларга ажратилган ер-сув назорати, харбий кўриклар ўтказиш кабилар билан девони арз ё жайш шугулланган. Яна бир девон бўлиб у девони хос дейилган. Хақиқатан ҳам бу махсус девон хисобланиб, хукмдор сулолага тегишли ер-сув, мол-мулк, султон мамлукларига маош бериш вазифала-ри билан машгул бўлган.

Икки огиз сўз хоразмшоҳлар кўшини хақида. Хоразмшоҳлар ўз даврининг энг кудратли лашкарига эга бўлганлар, Юкорида зикр этилган корахитойларга қарши харбий юришда Султон Мухаммад ихтиёрида 600 минг отлик аскар бўлгани маълум. Худди шундай куч Багдод юришига ташланган. Мўгуллар босқини арафасида эса хоразмшоҳлар тахминан 600 минг отликни ўз кўл остиларида бирлаштириш имконига эга эдилар. Албатта, бу ерда пиёда аскарлар, турли кўмакчи қисмлар назарда тутилмайти. Бундай улкан лашкарни тайёргарликда тутиш, таъминотидан хабардор бўлишнинг ўзи бўлмаган. Яна шу нарса маълумки, харбий қисмларда аёллар ҳам эркаклар билан баробар жанг қилганлар.

Олий хукмдорнинг махсус шахсий гвардияси (харос) ҳам бўлиб, улар факат мамлуклардан иборат бўлган. Чунончи, Султон Мухаммаднинг шахсий гвардияси 10 минг кишини ташкил қилган. Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур қисм жангчиларини пахлавонлар ҳам деб аташган. Шунингдек, харбий назоратчи, сипохсалор, сохиби жайш (вилоят кўшини бошлиги), амир ул-умаро, малик (10 минг кўшин бошлиги), човуш (чопар), жосус (разведкачи), аскар қозиси каби хизмат ва вазифалар бўлган.

Улкан минтақада сиёсий яхлитлик ва барқарорликка эришилиши, табиий равишда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ижобий ўзгаришлар ҳосил бўлишига сабаб бўлиши аниқ эди. Археологик изланишлар, ёзма манбалар гувоҳлигига кўра сунъий сугоришга катта эътибор берилиб, вохалар имконидан иложи борица кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган. Натижада дехқончиликнинг ривожланишида узилиш бўлмаган. Бизга илгаридан маълум махсулот турларининг барчаси етиштирилган. Шахарларда ҳаёт қайнаб, савдо-сотик, хунармандчилик ривожланган. Мамлакатда ишлаб чиқарилган турли хилдаги газламалар, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, гилам, поёндоз, тери, жун, ёғ-мой, совун, курол-аслаха, эгар-жабдуглар, хўл мева, курук мева, ипакликлар, жавахирлар ва бошқа кўплаб махсулотлар ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда харидорғир эди. Албатта, бунда тегишли давлат идораларининг ҳиссаси ҳам катта

бўлган. Чунончи, доим бўлганидек мухтасиблар бозорлардаги нарх-наво, махсулотларнинг сифати, тошу тарозунинг ахволидан хабардор бўлишни тўхтатмаганлар. Карвон йўлларида тўхташ жойлари, сув омборлари, хавзалари қурилган ё борлари таъмирланган, катта карвонларни кўриклаб боришга хатто султоннинг шахсий пахлавонлари ҳам жалб этилган.

Хоразмшоҳлар даври фан ва маданият равнаки ҳам аъло даражада бўлганини биламиз. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки юртимиз анъанавий равишда фан ва маданият бешиги бўлиб келаркан, гап факат у ёки бу даврда иктисодий-ижтимоий тараккиёт ахволи ва давлат арбобларининг нечоғлик илм-маърифатли эканлигида колган. Хоразмшоҳлар замонида айни шу икки омил ўзаро уйғунлашган эди. Хоразмшоҳларнинг барчаси чуқур билим эгаси эдилар. Улар ҳам дунёвий, ҳам диний билимларни эгаллаганлар. Масалан, Отсиз касидалар, рубоийлар ёзган, кўплаб назм намуналарини ёддан айтиб бера олган, санъат ва илмга катта ихлос билан қараган. Рубоийларидан бирида у шундай дейди: «Дунё белига урилган тамга менинг фармонимдир, фалак кулоғидаги халка менинг паймонимдир. Бугун шундай салтанатни кўлда тутсамда, дўст ризолигига эришиш менинг иймонимдир». Такаш, Эл-Арслон, Султон Мухаммад ва хоразмшоҳларнинг бошқа намояндалари ҳам кенг билимли, шеър ва санъатни кадрловчи бўлганлар, назмда ижод қилганлар. Такаш эса айникса уд чалишни ўрнига қўйган. Юқорида биз хоразмшоҳларнинг барчаси кенг билимлар эгаси эдилар деярганмиз, бу билан нафақат ануштегинийларни, балки умуман хоразмшоҳлар унвони билан машхур сулолаларни, жумладан, маъмунийларни ҳам назарда тутамиз. Чунончи, Маъмун II (1010—1017) фан ва маданиятга хомийликда ўрта асрлардаги энг донгдор хукмдорлардан бири саналиб, пойтахт Урганчда ўз даврининг Академиясига асос солган. Бу масканда яратилган шарт-шароитдан Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Абу Сахл Масихий, Абулхайр, Хаммор, Наср Ирок, Ибн Мискавайх каби буюк даҳолар баҳраманд бўлиб, ўз ижодларини чархлаган эдилар. Кези келганда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, Хиванинг 2500 йиллиги тантана қилинган 1997 йилда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов фармони билан Хоразмда Маъмун Академияси қайтадан тикланди. Демак, орадан минг йил ўтиб тарихий адолат қарор топди ва бу хол шубҳасиз ўзбек давлатчилиги тарихини тиклашда катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ва миллатимизнинг, арбобларимиз-нинг фан ва маданиятга бўлган чанқоқлиги азалий жараён экани ануштегинийлар даврида яна бир бор исботланди. Бу замонда мадрасалар барпо этиш, кутубхоналар очиш, уларни китоблар билан тўлдириш, истеъдод эгаларининг бошини силаш, асраб-авайлаш одати сақланибгина колмай, янада ривож топди. Зиё маскани бўлмиш кутубхоналар фаолиятига катга эътибор берилган. Масалан, Бухоро вилоятидаги шаҳарлардан бирида фуқаролар, яъни умумий кутубхона мавжуд бўлиб, унда сақланадиган кўлёзма асарлар гоётда ноёб ҳисобланган. Худди шундай кутубхоналар ўлканинг бошқа ерларида ҳам, масалан, Хоразмда бўлгани маълум. Мадрасаларга келсак, манбаларда ёзилишича, бундай билим масканлари салтанат маркази Хоразмдан ташқари Нишопур, Исфохон ва бошқа шаҳарларда ҳам қад кўтарган. Уларда ўқиш жараёнига жуда катта масъулият билан қаралганини шундан ҳам билиб олса бўладики, Мадраса раҳбари ва мударрислар олий хукмдор ё унинг жойлардаги ноибининг махсус буйруғи билан тайинланганлар. Чунки ҳар қандай жамият, у қанчалик турли имкониятларга эга бўлмасин, агар шу имкониятларни юзага чиқаришга қодир мутахассислар бўлмас экан, улар оғизда қолаверади. Мутахассислар эса тарбияланади, парвариш этилади. Хоразмшоҳлардан Отсиз, Такашларнинг шу маънодаги буйруқларини



тахлил киларканмиз, улар мазкур хакикатни жуда тўғри англаганликлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам улар таълим ва тарбия, фан сохаларига мутасаддиларнинг илми, иймонли, хурматли, халол бўлишларига катта эътибор билан караганлар. Мазкур сиёсат ўз мевасини ҳам берган. Баховиддин Марвазий, Абу Али Хасан Бухорий, Захириддин Газнавий, Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий, Махмуд Замахшарий, Абулфатх Хоразмий, Абулқодир Журжоний, Сирожиддин Хоразмий, Рашидиддин Вотвот, Сайфи Исфарангий, Зиё Хўжандий, Нажмиддин Кубро, Мажидиддин Хоразмий каби ўнлаб математиклар, юлдузшунослар, табиблар, тарихчилар, шоирлар, файласуфлар, адиблар, тилшунослар, мутасаввуф олимлар шулар жумласидандир. Албатга, биз ва ҳамкасбларимиз мазкур рўйхатни янада давом эттириб, уларнинг ҳар бири хақида кўплаб коғоз коралашимиз мумкин. Аммо бу алоҳида тадқиқот учун мавзу бўлгани сабабли куйида уларнинг баъзи бирларининг эътиборга молик жихатларига диққатни жалб этмокчимиз.

Кутбиддин Мухаммад ва Отсиз замонларида машхур тиббиёт олими Саййид Исмоил Журжоний фаолият кўрсатиб, бир катор кимматли асарлар яратган. Улар орасида Кутбиддин Мухаммадга бағишланган «Захирайи Хоразмшохий» асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарнинг киммати шу қадар бўлганки, Жолинус (Гален), Мухаммад Закариё, Ибн Сино, Абу Сахл Масихий асарлари билан бир каторда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим асар ва манбалардан бири сифатида қабул қилинган. Ўн икки жилддан иборат бу асар тиббиётнинг барча йўна-лишлари, ташриҳ, оддий ва мураккаб дорилар хақидаги тадқиқотларни ўз ичига олган. У араб ва турк тилларига таржима қилинган. Исмоил Журжонийнинг энг катта хизматларидан бири шундаки, у Ибн Синодан кейин тиббиёт соҳасидаги барча йўналишларни янги тадқиқотлар асосида қайтадан баён қилиб чиққан. Олим фаолиятининг биз учун кадрли томонларидан яна бири шундаки, Ибн Сино юртимиздан «бир чиқиб» қолган ягона буюк тиббиёт олими эмас, балки бу соҳа ундан кейин ҳам бизда юксак даражада тараккий қилиб келганлиги маълум бўлади. Зеро, ўтмишдаги олиму фозилларимиз илму тафаккурга доимо содиқлик билан хизмат қилиб келганлар. Уларнинг содиқлик тўғрисидаги тушунчалари ватанга нисбатан ҳам юксак даражада эди. Буни биз машхур мутасаввуф олим ва шоир Нажмиддин Кубро мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Тахсил олиб юрган ёшлик йилларида ким билан баҳс ё мунозара қилса, доим устун келгани учун Нажмиддинга «таммат ул-қубро», яъни «буюк голиб» лақаби берилган экан. Бориб-бориб биринчи сўз (таммат) тушиб қолиб «Кубро» лақаби сақяниб қолган. Нажмиддин Кубро нафакат илм баҳсида, балки ватан учун курашда ҳам енгилмас бўлган. 1221 йили мўғуллар Урганчни қамал қилдилар. Мудофаачилар орасида машхур шайх Нажмиддин Кубро ҳам борлигини эшитган Чингизхон унга одам юбориб, «мен Хоразмни ер билан яқсон қиламан, замона авлиёси ул зот у ерни тарк этиб бизга қўшилмоқлари лозим» деб тақлиф қилади. Шайх Чингизхонга шундай жавоб берган экан: «Мана, етмиш йилдирки, тақдирнинг аччиқ-чучугини Хоразм ва унинг халқи билан бирга тортиб келяпман. Фалокат бўсагада турган бир вақгда элимни тарк этишим инсонийлик ва олижанобликдан бўлмади». Ўша замон тарихчилари-нинг гувоҳлик беришларича, Нажмиддин Кубро ўз халқи билан бирга қулликдан кўра шахидликни афзал билиб душманга қарши курашда ҳалок бўлган, аммо унга таслим бўлмаган. Энди икки огиз сўз хоразмшоҳлар даврида Туркистоннинг ташқи сиёсий-дипломатик алоқалари тўғрисида. Ўша замон тарихчилари қолдирган гувоҳликларга кўра, рус

подшохи Владимир (978—1015) хоразмшохлар хукмдорига ўз элчиларини юбориб, ислом динини қабул қилиш борасидаги ниятини билдиради ва шунга кўра хоразмшох руслар ўлкасига имомлардан бирини юбориб, мусулмончилик қонун-қоидаларини ўргатишда русларга ёрдам беришни тайинлайди. Агарда Владимир даврида Рус давлатининг расман христианликни (988 йили) қабул қилгани назарда тутилса, шундай ҳулоса қилиш мумкинки, жамият ҳаётида катта аҳамият касб этувчи бу жараёнга, яъни мажусийликдан яқка ҳудоликка ўтишга ўта жиддий равишда тайёргарлик қўрилган. Шу маънода мусулмончиликни қабул қилиш масаласи ҳам қун тартибида турган. Зеро, бу динга кириш мусулмон оламига кириш, унинг имқониятларидан, масалан, ҳарбий қучидан Византия «қофир»лариға қарши қурашда қойдаланиш йўлини очиб беради. Туркистон эса ўша вақтларда мусулмон дунёсининг энг қудратли ва қенг имқониятли мамлақатларидан бири сифатида Рус давлати иодшоҳлари учун ўз ички ва ташқи сиёсатларини амалға оширишда катта қўргон бўлиши муқаррар эди.

Мамлақатимиз имқониятларидан ҳамма қойдаланиб қелган ва шунга интилган. Қизиги шундаки, бу ўлқанинг имқониятлари ҳатто унинг ҳудудидан ташқарида ҳам залворли таъсирға эға бўлган. Буни биз юқорида тилға олинган Жалолиддин ўлимидан кейин Яқин Шарқда вужудға қелган вазият, унда туркистонликларнинг иштироки орқали ҳам қўриб олишимиз мумкин. Жалолиддин нобуд бўлган бўлса-да, аммо унинг сақдоишари — хоразмлик амирлар ва уларнинг қўл остидаги минглаб аскарлар ҳаёт эдилар. Бу жуда катта қуч эди. Манбаларда улар умумий ном — хоразмликлар номи билан аталганлар. Ҳарбий маҳорат ва уюшқоқликда гоётада пухта тайёргарлик қўрган, ўзлари ҳам шиқоатли хоразмликлар Жалолиддин ўлимидан сўнг яна ўн беш йил давомида Ироқ, Қичик Осиё, Сурия, Миср сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутиб қелганлар. Уларнинг қудратига суяниб Яқин Шарқ маҳаллий туркий сулолалари Дамашқ, Қохирани қабт этишға мувафқак бўлганлар. 1241 йили эса хоразмликлар Қуддусни (Иерусалим) эғаллайдилар ва 1229 йилдан бери қалибчилар қўлида бўлган бу муқаддас ша-ҳарни мусулмонлар ихтиёриға қайтардилар.

Юқорида биз Жалолиддинни мўғуллар ва Яқин Шарқ, Европа ўртасидаги тўгон, деб таърифлаган эдик. Ҳудди шунга ўхшаш таърифни мусулмонлар ва қалибчиларо қурашда фаол иштирок этган хоразмликларға нисбатан ҳам берсақ бўлади. 1244 йили улар Миср қўшинлари билан иттиқоқда Сурия ҳукмдорларининг қалибчилар билан бирғалиқдаги катта лашқарига қаттиқ зарба берадилар. Манбаларда ёзилишича, шу жангда қалибчиларни тор-мор қилганлар худди мана шу хоразмликлар эди. «Бу улуг қун бўлғанди. Ислом зуҳуридан сўнг бундай қун ҳеч қачон бўлмағанди», — деб хотима қилғанди тарихчилардан бири.

Шундай қилиб, биз ўзбек давлатчилиги тарихида ўчмас из қолдирган яна бир сулола — ануштегинийлар (хоразмшоҳлар) ҳақида сўз юритдик. Доим бўлганидек, мақкур сулола намояндалари ҳам ҳоҳ ички сиёсатда, ҳоҳ ташқи алоқаларда бўлсин, ўзларининг бор имқониятлари, афзалликларини рўёбға чиқариш, шу мамлақатни, унинг ҳалқини дунёға олқишлаш йўлида саъй-ҳаракат қилиб қелганлар. Шунинг учун ҳам худди ана шу она юрт шароқати билан улар тарихға Буюқ Хоразмшоҳлар номила қириб абадий қолмоқдалар.

Азамат Зиё